



# ИШОНЧ

46



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси ва Қозоғистон Республикаси давлат бошлиқлари 10 ноябрь куни иккала мамлакатнинг интеграцияга оид алоқалар, ҳамкорликдаги иқтисодий сиёсати билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказишди.

Муҳокама қилинган масалалар орасида иккала мамлакатда ҳам СССР Давлат банки ва Россия банки 1961-92 йилларда чиқарган пулларнинг муомиладан олиниши масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Қозоғистон Республикаси Президенти қўшма баёнот қабул қилдилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Пул муомиласини барқарорлаштиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ** улкан хирмонига 315 минг тонналик «оқ олтин» билан ҳисса қўшган қорақалпоғистонлик деҳқонларга ва 400 минг тонна пахта етиштирган Сурхон воҳаси миришкорларига мамлакатимиз Президенти табрикнома йўллади.

● **ХОРАЗМ** вилояти шоликорлари давлатга 65 минг тоннадан ортиқ шоли топшириб, 1993 йил топшириғини бажардилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармониغا биноан бастакор Ғанижон Тошматов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири Рустам Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** пойтахтидаги «Ўзэкспомарказ»да Туркия савдо-саноат кўرғазмаси очилди. Кўрғазма очилишида Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги буюқ элчиси Вулқон Чўтур иштирок этди.

## ИШОНЧ СИЗГА ҲАМРОҲ

«Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!» деган шior билан 1991 йил Наврўзида туғилган, ҳар бир сўзни қалб амри билан адолат тарозисида ўлчаб, кейин ёзини ўзининг олжаноб мақсади деб билган Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари Федерациясининг ўзбек ва рус тилларида нашр қилинаётган газеталари 1994 йилдан эътиборан «А 3» шаклида саккиз саҳифада чиқадиغان бўлди. Бу нашрлар бундан буён ҳам «бир соатли адолатнинг олтинчи йиллик ибодатдан афзал»лигини тарғиб қилишда давом этади. Оддий халқ қисматиға қисматдош, сўровига ҳозиржавоб, маслаҳатгўй, дардига руҳан даво, қувончларига шерик бўлишда ўзининг асл дастурул-амалиға содиқ қолади.

Газеталарининг ранг-баранг рўкнлари ичида айниқса «Хатлар — ҳаёт

ЖАҲОН пахтачилигининг энг шимолий зонасида жойлашган Қорақалпоғистон республикаси хўжаликлари ҳам пешкадамлр сафидан ўрин олиб пахта тайёрлаш юзасидан йиллик режани ошириб бажардилар. Давлатга 320 минг тоннадан ортиқ хомашё сотилди. Эришилган ғалабага Беруний районидаги Йўлдошев номли

деҳқон хўжалиғи жамоаси ҳар йилдағига нисбатан кўпроқ ҳисса қўшишди. Тажрибали деҳқон, Қорақалпоғистон халқ депутати Рейимбой Йўлдошев раҳбарлиғидаги мазкур хўжалик Дўстлик овул Кенгаши ҳудудида 110 гектар ерда деҳқончилик қилайти. Шундан 80 гектарини пахта майдонлари эгаллаган. Қуни кеча пахта йиғим-терими сарҳисоб қилинди ва ҳар гектаридан 45 центнердан, жами 460 тонна «оқ олтин» йиғштириб олинганлиғи маълум бўлди. Шундай қилиб бир йилда икки йиллик режа удаланди. Даштга туташиб кетган далаларда Қорақалпоғистонда энг юкори ҳосил етиштиришда Рейимбойнинг ўғиллари Гулимбой, Тўрабой, Шуқурулло, Фарҳод, оиланин бекаси Саодат, қизлари Гулнора, Ойхоним, Ойша, Фотима ҳамда куёвлари Бахтибой, Жамолдинлар фидокорона меҳнатлари билан муносиб улуш қўшишди. Мазкур хўжалик миришкорлари фақат пахтачилиқнинг ўзидангина 100 миллион сўм даромад қилишди.

Йўлдошевлар хўжалиғи пахтачиликдан тайёкар 75 тонна шоли, 15 тонна оқ жўҳори топшириб, тузилган шартномаларини ҳам ўринладилар.

Ҳалол меҳнатлари эвазига мўмай даромад олаётган деҳқон хўжалиғи жамоаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл уришди. «Тадбиркор» банкидаги ўзларининг жамғармалари ҳисобидан 10 миллион 800 минг сарфлаб 400 бош қўй сотиб олишди.

Улкан мақсадларни кўзлаб астойдил ҳаракат қилаётган хўжалик аъзоларининг келгуси хайрли ишларига ҳам барака тилаймиз.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,  
«Ишонч» мухбири

## ЙЎЛДОШЕВЛАР ХЎЖАЛИГИНИНГ ПАРВОЗИ



Суратда: чапдан учинчи — Деҳқончилик хўжалиғи раҳбари Рейимбой Йўлдошев, турмуш ўртоғи Саодат ва ўғиллари

Гулимбой, Тўрабой, Шуқурулло, Фарҳодлар пахта йиғим-теримида  
Уразмат УТАМУРОДОВ олган сурат

ОБУНА — 94

## «ИШОНЧ» КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиғи «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи)

(нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сонг

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(маил)

Қимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в.	жойи
------	------

(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

обуна

баҳоси

обуна

ялғи май-ялғи юбориш

баҳоси

сўм

сонг

19 йил учун

(ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(маил)


Қимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмасининг Таъсис қурултойи 1993 йил 18 ноябрь соат 11.00да Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши биносида («Правда Востока» кўчаси, 24) очилади.

Делегатларни рўйхатга олиш 18 ноябрь куни соат 9.00 дан бошланади.



Ҳозирги ўтиш даврini ҳеч кимга осон туғиб бўлмайди. Жумладан, автотранспорт корхоналари ҳам «кўпга келган тўй»дан четда қолаётганлари йўқ. Лекин бозор иқтисодиёти қийинчиликлари кўп жойларда мардона энгиб ўтиляпти. Чунки боқимандалик кайфиятидан кимки тезроқ қўтилса, ғайрат қилса, ишбилармонлик, уддабуронлик билан иш юртиса бунга эришади. Айниқса, бундай шароитда ишчиларнинг ҳимоя қилишда касаба уюшма кўмитасининг тадбиркорлиги ҳам жуда муҳимдир.

Аҳатжон Аҳмедов — Қўқондаги 55-автоҳўжалик касаба уюшмаси кўмитаси раиси. У 1976 йилдан буён ишбу корхонада ишлайди. Аввалига моторист, навбатчи механик, уста, колонна бошлиғи вазифаларида хизмат қилди. 90-йилгача эркин касаба уюшма кўмитаси раиси эди. Ҳозир зиммасида бош муҳандислик вазифаси ҳам бор.

Биз Аҳатжон билан учрашиб, юқорида тилга олинган мавзулар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Аҳатжон, ноқулайроқ бўлса-да, суҳбатимизни жамоани қийнаётган муаммолардан бошласак...

— Аввало бизни кўпроқ ёқилғи масаласи қийнапти. Олдин кунига 8 тонна олардик, энди 1,7 тонна олаёмиз. Бизда 300 нафар ишчи-хизматчи ишлайди, 179 та юк ташувчи машинамиз бор. Иш ҳажми ҳам ёқилғига қараб қисқариб кетди. Шунинг учун иш усулимизни кескин ўзгарттирдик. Машиналар бекор туриб қолмаслиги учун уларни буюртмачиларга ижарага бера бошладик. Масалан, ҳозирги пахта йиғим-терими даврида 24 та пахта ташиш машиналари турли туманларда, шу жумладан 6 таси эса Жиззах вилоятида ишляпти. Улар заводлардан тушган бу-

юртмаларга қараб дам олиш кунлари ҳам ишлашади.

Яна муоммодан гапирсам: эҳтиёт қисмларини топиш тобора қийинлашмоқда. Ҳамма

собланади. Шунинг учун буюртмага қараб ўша ишга мос машина ажратамиз. Имкони бор ишда машинага албатта прицеппи улаймиз. Бу

дан асал улашамиз. Бу йилги республикамиз мустақиллик кунини ҳам шундай қилдик. Кейин ҳар бир ишчи ва хизматчига 500, пенсионер-

## ИШДА—ТЕЖАМ, ИШЧИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

нарсаси кооперативлар қўлига ўтиб кетаяпти. Натижада нархлар бир жойда турмаяпти.

— Муаммолар-ку вақти келиб барҳам топар. Қийинчилик билан топилган ёқилғини тежаш борасида нима лар қилаяпсизлар?

— Шаҳардаги 2-нон комбинати, пахта заводлари, кичик корхоналар бизнинг донимий буюртмачиларимиз хи-

ёқилғи тежашнинг асосий усулидир.

— Ишчиларнинг ижтимоий ҳимоялаш-йўлида касабаси уюшма кўмитаси қандай тадбирларни амалга оширмоқда?

— Давр талабидан келиб чиқиб уларга кунига 200 сўмдан тушлик пули бериёмиз. Бундан ташқари ошхонамиздаги таомлар ҳам 50 фоиз арзон. Ҳар байрамда уларга бозор баҳоси ярмида 2 килодан гўшт, 1 кило-

ларга эса 2000 сўмдан мукофот пули бердик.

1 сентябрда 40 нафар ҳайдовчимиз болаларига 50 минг сўмлик мактаб сумкаси ва ўқув қуроллари таркатдик. 5 нафар ишчимиз турли санаторий ва дам олиш уйларида дам олиб қайтишди.

— Бундай тадбирларга маблағ қаердан олинади? Кичик жамоанинг касабаси уюшмасидаги маблағ барча эзгу ишларга етмаса керак? — Тўғри айтасиз. Бизнинг

ҳисобда 60 минг сўм пул туради ҳолос. Ҳозир унинг қадри барчага аён. Мисол учун бир ишчини касалхонага кўргани бориш учун минг сўмга ҳеч нарса ололмайсиз. Кейин ҳар бир тирик жон оиласида тўй бор, маърака бор. Бундай пайтда улар энг аввал касабаси уюшмасига суянади. Шунинг учун барча эзгу тадбирларда ишчиларнинг зарурий ҳимоясидаги сарфнинг 80 фоизини маъмурият ўз зиммасига олади.

Кейин ўзимиз ҳам қўл қовштириб турганимиз йўқ. Мисол учун мустақиллик кунини арафасида шанбалик ўтказдик. Тушган маблағни юқорида айтилган тадбирларга сарфладик.

Мана яқинда касб байрамини ҳам муносиб нишонладик. Вилоят касабаси уюшмаси тармоқ кўмитаси ҳам бизга бу борада маблағдан ёрдам берди. Шу кун анъанамизга кўра жамоага эрталаб ош улашиб, мукофот пули бердик. Нафақага чиққанларни ҳам алоҳида тантана билан кузатиб, уларга бир ойликдан мукофот пули улашдик.

Адхам ДАМИНОВ,  
«Ишонч» мухбири

## ЯНГИ КОРХОНА

ЖИЗЗАХ вилоятидаги Зафаробод тумани марказида ёғ ишлаб чиқариш комбинати фойдаланишга топширилди. Корхонага ишбилармон Ҳазрат Жўраев раҳбарлик қилаяпти.

Аҳолини ёғ билан таъминлаш муаммо бўлиб турган ҳозирги даврда комбинатнинг ишга тушиши шу ҳудудда ёғ таъминотини яхшилашга ёрдам бермоқда. Комбинат кунига 500 килограмм ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада чигитни тозалайдиган механизм, иккита

ёғ ишлаб чиқариш дастгоҳи, ёғни тиндирадиган қурилмалар мавжуд. Иш жараёнида маҳсулотлардан ортиқча чиқинди чиқармасликка ҳаракат қилинмоқда.

Шу кунларда комбинат дастгоҳлари тезкорлик билан ишлатилаяпти. Унинг бир томонидан ёғ, иккинчи томонидан чорва учун тайёр кунжара чиқарилаяпти. Комбинатдаги дастгоҳлар зигир, кунжут ҳамда пристадан ҳам ёғ ажратиш олади ва бу борада корхона аҳолининг буюртмаларини бажара бошлайди.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Ишонч» газетасига обуна бўлишни истасангиз билиб қўйинг. ЯҚҚА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм (нашр кўрсаткичи — 64560).

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН эса йиллик обуна нархи 9888 сўм (нашр кўрсаткичи — 64561).

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувларни катактарни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазинг.

## ҚИШ КЕЛЯПТИ, ТАЙЁРМИСИЗ?

Ўзбекистон касабаси уюшмалари ташкилотлари халқ хўжалигини қишки мавсумга пухта тайёрлаб, меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Корхоналарни қишки мавсумга тайёрлаш масаласида корхоналар маъмуриятлари билан касабаси уюшмалари ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва битимларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Чунки, меҳнаткашларнинг намунали ишлашлари учун ишлаб чиқариш, маиший шароитлар яратиши ҳам ижтимоий муҳофазанинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Шу борада жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ўрмон тармоғи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Патто Нурмирзаев билан суҳбатлашди.

— Патто Нурмирзаевич, тармоқ корхоналарида мавсумга қандай ҳозирлик кўриляётгани ҳақида гапириб берсангиз.

— Қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўриш меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаларининг самарали усуллари билан бириктирилади. Агарда ишчи, инженер-техник ходимга қиш кунларида иш жойларини саранжом-сарништа бўлишини, яхши иситишнинг, ёритилишини таъминласак, одамларнинг меҳнат оралиғида дам олишлари учун зарур маиший шароитлар яратиш берсак, ишларида сифат ҳам, унум ҳам бўлади. Шунинг учун бу йил мавсумга ҳозирлик кўришни анча барвақт бошладик.

Бу борада айниқса қурилиш конструкциялари ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармаси корхоналари унумли меҳнат қилишди. Бирлашмадаги таъмиргач муҳтож цехларнинг иссиқлик қувурлари, иситиш агрегатлари соҳиланди. Ишчилар ётоқхонасидаги иситиш тармоқлари ҳам таъмирланиб, синаб кўрилди. Айрим ишлаб чиқариш цехларининг томлари қайта, мукамал соҳиланди. Ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, маиший хизмат, дам олиш хоналарининг дераза ромларига ойна соҳиланди.

Тошкент офтобдан ҳимоя воситалари заводида ҳам анъанага кўра барча иситиш ва вентиляция тармоқларининг иши текшириб чиқилди. Томлар таъмирланди. Завод ичидан ўтган иссиқлик трассаси изоляцияларида, ишчи ва хизматчиларнинг хавфсиз шароитларда ишлашлари учун зарур қулайликларни яратишга ҳаракат қилинди.

Данғара дурадгорлик буюмлари, экспериментал қурилиш плиталари ишлаб чиқариш, Урганч ёғочни қайта ишлаш, Тошкент дурадгорлик маҳсулотлари заводлари учун ҳам 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Республика меҳнатчиларини қиш ойларидаги унумли меҳнатлари учун кўриляётган тадбирлар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— «Ўзбекмебель» давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси корхоналарининг маъмуриятлари ва касабаси уюшмалари шу йилнинг 1 ноябргача корхоналарни иситиш қозонлари сифатли таъмирланиб, синаб кўрилди. Қува, Нукус, Андижон меҳнат корхоналаридаги қўшимча қозонлари жорий таъмирланди.

Тошкент, Янгийўл меҳнат бирлашмала-

ри, Олмалик, Фарғона меҳнат комбинатлари раҳбарлари ва касабаси уюшмалари ташкилотларининг мутахассислари ҳар бир ишлаб чиқариш, цех ва бригадаларда бўлиб, қишки мавсумга тайёргарлик бўйича белгиланган тадбирлар қандай бажарилганини бандма-банд назорат қилиб чиқишди. Бу борада йўл қўйилган нуқсонларга барҳам бериш усуллари кўрсатиб берилди.

— Маълумки, ўрмон хўжалиги ишчилари меҳнат ва ёғочсозлик корхоналари ишчиларига нисбатан бирмунча оғир шароитда меҳнат қилишади...

— Фикрингизга қўйилмаган, ҳақиқатан ҳам ўрмон хўжалигининг ишчи ва хизматчилари қиш демая, ёз демая адиру тоғларда қумлик-саҳроларда иш олиб борадилар. Шу сабабли уларга намунали иш шароитлари яратиш мураккабдир. Бироқ, ўрмон хўжаликлари касабаси уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда зарур шароитлар яратиш бериш юзасидан иш олиб боришмоқда. Ишчиларни иссиқ кийим-бош, ювиниш ва овқатланишлари учун вагон уйлар, иссиқ овқат билан таъминлаш чораси кўриляпти.

Меҳнат ва ёғочсозлик корхоналари бартер йўли билан гуруч, ёғ, гўшт, ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотлари олиб келиб ходимларига арзон нархларда сотишмоқда ва бунинг учун ҳар бир ишчи ва хизматчига 5 мингдан 20 минг сўмгача ёрдам пули таркатилаётган.

Биргина Тошкент ўрмон хўжалиги ишчиларига шоли, асал, ерэнгок, картошка, илғиз, қовун-тарвуз арзон нархларда таркатилди.

Қишки мавсумга тайёргарлик маълум ойларидаги бажариладиган тадбир эмас. Бу муҳим иш билан биз бутун қува қиш ойлари мобайнида ҳам муносабат шуғулланамиз. Ҳар бир касабаси уюшмаси ходими ва фаоли меҳнат жамоаларида бўлишганида ишчиларнинг иш шароитлари билан албатта танишиб, зарур бўлган ёрдамларини беришяпти. Қуни-кеча Марказий Кўмитамиз раёсатининг йиғилишида ҳам кун тартибидеги масалалардан бири қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши яна бир марта муҳокама этилди. Чунки касабаси уюшмаларининг бош вазифаси меҳнаткашларнинг манфаатларини муҳофазалаш этишдан иборатдир.

— Самимий суҳбатимиз учун раҳмат! Суҳбатдош: Абдуқодир НИЁЗОВ.



Зарем Екубов шу йилнинг 21 январини эслади. Уша куни уни бўлим бошқарувчилигидан Бобур номидаги ширкат хўжалигига раис қилиб сайлашган эди. Туман раҳбарлари уни қолдириб ортга қайтишгач, тўпланган одамлардан бири талаб қилди:

— Уйимизда бир хўплам сув йўк, раис, сув келтириб беринг.

Бу гапга бошқалар ҳам қўшилишди. Зарем Екубов ажабланди. Агар қишлоқда сув бўлмаса, бошқа жойдан ташиб келтириш мумкин-ку, деб ўйлади у ўзича. Бирок унинг мулоҳазаси ўша 21 январь учун ўринсиз эди. Чунки нарироқдан сув келтириш учун транспорт керак. Транспорт эса ёнилғисиз юрмайди. Хўжаликда бензин у ёқда турсин, солярка ҳам такка қуриган эди.

## РАИС ЧОРА ИЗЛАЯПТИ

Янги раис идорада ёлғиз қоларкан, бу ишни ўз зиммасига олганидан афсусланди. Бирок вақт ўтган, энди фақат қаттиқ ишлаш, ҳамма муаммони ҳал қилиш чорасини топиш лозим.

Эртасига раис далаларни айланди. Бегона ўт қутирган, 150 гектарча ер эса экилмай қолиб, қамишлардан тўқайзор ҳосил бўлган эди. Уни ёкиб юборишга уриниш зое кетди. Шундан ишдан чиққан лотоклардан биттаси олиниб, кучли тракторга тиркалди-да, тўқайзорга киритилди. Қамишлар ётиб қолгандан кейин уларни ёкиб юбориш мумкин бўлди. Мана, ўшандай ерлар ҳам ҳозир яхшигина ҳосил бераяпти.

Раис ишга келган кунданок ободончиликка қаттиқ киришди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Уйлар қурилади, табиий газ келтирилди, янги техника сотиб олинди. Ие, бу нарсаларга қаердан пул олинди дерсиз. Ҳа, хўжалик ночор, унда пул йўк эди. Зарем Екубов кўркмасдан давлатдан қарз олиш йўлини танлади. Бошқа бир

раҳбар бўлса, Зарем олаётган қарзлардан ваҳимага тушарди. Ахир 40 фоиз қўшимчаси билан қайтариш керак. Аммо раиснинг ҳисоб-китоби бор. У бир йилдаёқ миллион-миллион сўм қарзнинг асосий қисмидан қутилмоқчи.

Мана бир мисол, 16 тонна юк кўтарадиган «МАЗ» автокранини ўн миллион сўмга сотиб олишди. Ҳозир унинг баҳоси 50 миллион сўмга кўтарилган. Бу кран билан 25—30 миллион сўмлик иш бажариб қўйилди. Уни сотиб олишмаганда шунча пулни бировга бериш, бунинг устига ялиниш, сарғайиш керак бўларди.

Екубовнинг айтишича бу автокран хўжаликка даромад ҳам келтиради. Ўзларида иш қамайган пайда унга муҳтож кишиларга бериб, улардан

хизмат ҳақини олади.

Янги ширкат хўжалигида 2700 гектар ер бор. 300 гектар ердан олинган беда, 290 гектар ғаллазордан олинган сомон ғарамлаб қўйилган. Раис уларни кишда ва эрта баҳорда сотиб, бундан ҳам каттагина даромад олмақчи.

Бирок энг катта даромад пахтадан келади. Раиснинг хомчўти бундай: 1680 гектар ердаги пахтадан 5000 тонна пахта олиш. Шунда йиллик режа 150 фоиз бажарилади. Демак, тайёрланган ҳосилнинг 70 фоизи, яъни салкам ярми хўжаликнинг ўзига қолади. Бу ҳосил толага айлантириб сотилса, неча сўм бўлади? Ҳисобланг, бир тонна толани бир ярим миллион сўмга сотиш мумкин. Раис қўлига қалам олиб ана шуларни ҳисоблаб берди. Мен бу айтган рақамларни санаб, гапни майдалаштириб ўтирмай қўя-қолай. Чунки ҳозир ҳар бир раҳбар эмас, ҳар бир оддий дехқон ҳам ҳисобдон бўлиб кетган, Уларга ўргатишнинг ҳожати йўк. Фақат шунга айтиб қўймоқчиман. Хўжалик далала-

рида пахта териш машиналари юқори унум билан ишламоқда.

Айрим ерлардан биринчи теримдаёқ 30 центнердан ҳосил олинапти. Бу кўрсаткич Зарем Екубовнинг «ўзимизга қолган пахтадан 800 тонна тола олишни мўлжаллаяпмиз» деган гапи ҳақиқатга айланишидан далолат бериб турибди.

Бу йил икки қаватли мактаб биноси қурилди. Қарангки, уни икки ойда қуриб битказишди. Мактаб инглиз тилини чуқур ўрганишга мўлжалланган. Ҳозир унда 132 бола таълим оляпти. Сифлардаги ўқувчилар сони 12 нафардан ошмайди. Зарем Екубов шу мактабнинг бош директори ҳисобланади. Шунинг учун унинг бир оёғи мактабда. Ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилади. Ҳар бир ўқувчига минг сўмдан стипендия тайинлади. Муаллимларга ғалла, ҳашак бериб турилибди. Ўқитувчилар куни муносабати билан уларнинг ҳар бирига ўн минг сўмдан пул берилди.

Хўжалик меҳнат аҳлига ғалла берилди, энди шולי таксимланади. Уларнинг турмушини яхшилаш, кийин ишини енгиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу йилнинг ўзида 16 оила янги уйга қўчиб кирди, яна 20 оила бугун-эрта янги уйлар олади. Шлак-бетон ғишт ишлаб чиқариладиган корхона иш бошлашга тайёр, бу ҳам қурилиш қилмоқчи бўлган кишиларнинг ташвишини қамайтиради.

Ана шу ишларнинг ҳаммаси шу йилнинг ўзида амалга оширилди. Буни мўъжиза дейиш мумкин. Одамлар раисга меҳр қўйиб қолдилар. Улар шундай ишбилармон, меҳрибон ва камтар раҳбар топиб беришгани учун туман раҳбарларидан миннатдор бўлмоқдалар.

Иш фаолиятининг биринчи куни ичишга сув тополмаган раис бугун катта-катта муаммоларни бемалол ҳал қилмоқда. Шунинг учун хўжалик эртага, узоғи билан индинга ҳавас қилса арзийдиган поғонага кўтарилади дейишга ҳамма асослар бор.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.



Атлас қўйлак ярашмаган қайси сулув бор, айтинг. Атлас кийиб, хусналари гул-гул очилган қизлар, аёлларга ким қарамайди, айтинг. Айниқса, Наманган атласи сержиллолиги, майинлиги билан кўзларни қамаштиради. Косонсой шойи тўқиш фабрикасида ҳозир атласнинг 34 хили ишлаб чиқарилаяпти. Атлас тўқишда ўзининг нозик диди, чевар қўллари билан машҳур бўлган тўқувчиларнинг бири Оминахон Ирсалиевадир.

Атласлар кўпайсин, атлас тўқиган, атлас кийган қизларимизнинг бари бахтли бўлсин!

Тургунбой МАҲКАМОВ  
олган сурат.

## ЯНГИ КОМБИНАТ

Турли-туман қонун-қоидалар билан баъзан ишимизни қийинлаштириб юборамиз. Бор отанга, бор онанга қабилда иш тутиб оворан-сардонликда тинканг қурийдим. Бир-биримизга ёрдам беришга, ташаббусни қўллаб-қувватлашга эринамиз.

Президентимиз Иллом Каримов эса «Замон билан ҳамқадам бўламан деган раҳбарларнинг вазифаси одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини ошириш керак» деб таълим бераётдилар.

Шомансур Шоаҳмедовнинг ўттизга яқин қўйи-йигирмата қорамоли, олти оти бор. У Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Салор қўрғонда иетиқомат қилади. Шу атрофда сут, гўшт дўқони йўк. Шомансур ака хонадонда ҳар куни се-ррэг сут-қатик ва ойига икки-уч марта гўшт етиштиради. Маҳаллий аҳоли ундан сут-қатик ва гоҳо янги гўшт харид қилишади. Ҳар ҳолда қимнингдир узоғи яқин, қимнингдир мушқули осонлашади.

Мен «Турон» жамоа хўжалигида 14 йил, 3-автобазада 20 йил ишлаганман, — дейди Шомансур Шоаҳмедов. — пенсияга чиққач ўзимни қаерга қўйишимни билмай қолдим. Мол-қўй боқишга ишқибоз бўлдим. Барака шуларда экан, жониворлар кўпайгандан кўпайиб кетди.

Эх, қани энди кенг йило-

винг, қўша-қўша қўраларинг бўлса-ю чорвани кўпайти-раверсанг, лекин бунинг сираям иложи топилаётмида. Ҳар ҳолда мол қўй кўнайса, бозорда арзончилик бўлармиди. Шароит йўқлигини баҳона қилиб, мен мол, қўй боқмасам, кўп қаватли уйда яшайман, деб, чорвадор бўлмасангиз ўз-ўзидан қимматчиликка бориб тақалаверадиди. Бозорда битта қўй

тетининг тажриба майдо-ни, афсуски, чамаси 35 гектар қеладиган майдоннинг ярмидан кўпини қўйтикан босиб ётибди. Баҳорда сепилган беда сугорилмагани учун ер бағирлаб қуриб қолган. Талабалар мана шу тиконзорлар орасида дехқончилик сирасероини ўрганишармикан-а? Шомансур ака ҳовлисининг учинчи томонида эса республика соғлиқни сақлаш

одамлардан мадад сўраётганга ўхшайди. «Бағримга уруғ қадан, сугоринг, сизга неъматларимни қафтимда тутаман», деб зорланапти, она-Ер.

Қуръони каримнинг «Абаса» сураида айтади. «Инсон ўз таомига бир назар солин. Албатта биз сувни сероб қилиб қўйдик, сўнг ерни ёриб чиқартирдик ва унда дон, узум, ўт-ўлан, зайтун, хурмо, қалин боғлар, мева ва майсаларни сиз ва сизнинг ҳайвонларингиз учун ўстириб қўйдик».

Демак, атрофимизни ўраб турган ноботот оламини асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

— Менинг бу молларни боқибдан мақсадим: биринчидан болалар меҳнатга ўргатсин, такасалтанг бўлмасин дейман. Менга қарганимда моду давлатнинг нима кераги бор. Уй-жойим, машинам бор. Ўғилларим ўзини ўзи эплайди. Фақат шу мол, қўй кўнайса — маъмурчилик бўлади, фарзандларимиз юзи қизил, илги бақувват улғаяди.

Ҳар бир инсоннинг яхши ёмон томонлари бўлади. Биз инсоннинг яхши томонини илғаб олиб, уни ривожлантира билишимиз, ундан фойдаланиш йўларини ахтариб тошмоғимиз керак.

Саъбат МАҲМУДОВА.

## ИНСОФ САРИ БАРАКА

фалон пул.

Шомансур аканинг тадбиркорлиги шунда-ки, анҳорнинг қирғоғими, экинзорнинг уватими, қаердаки бир тутам ўт кўрса, молни ана ўша ерга боғлаб боқади. Тиним билмайди.

Ҳа, киши, озгина удадурро бўлмаса, 50—60 та молни энлаб боқолмасди. Яна денг Тошкент шаҳрининг шундоқ биқинида, аҳоли зич яшайдиган жойда. Унинг ҳовлиси Салор анҳорининг ўн қирғоғига жойлашган. Анҳорнинг чап қирғоғида эса атрофи бетон девор билан ўраб олинган кенг майдон. Бу — Тошкент аграр универси-

вазирлигига қарашли бозалар ортопедияси марказининг 17 гектарлик майдони бор. Бу ер ҳам чиқинди уюмлари-ю мевасиз дарахтлар билан банд.

— Рўпарамда бўш ерлар тикон босиб ётганини кўриб, қуйиб-ёнаман, — дейди Шомансур ака, — ахир ернинг умри бекор ўтапти.

Биз албатта бу ерларга Шомансур аканинг ҳақиқи бор, демоқчи эмасмиз. Фақат «Кимдир ерни ҳор қилади, кимдир унга зор бўлади» деган нақлнинг ростлигига ачинамиз, ҳолос. Қўйтиконлар ййраб ўсиб ётган ер гўё жонланиб, уни кузатаётган

«Ишонч» мухбири.

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**ЯҚИНДА Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашида талабаларнинг халқаро кўни нишонлаши олдидан республика меҳнат вазирлиги ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда талабалар олдидagi муаммоларни ҳал этиш борасида амалга ошириладиган ишлар, бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида гап бўлди. Давра суҳбатини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари М. Тўлаганова бошқарди. Қуйида давра суҳбати қатнашчиларининг фикрлари билан танишасиз.**



**Республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Мухайё ТўЛАГА-НОВА:**

— РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов келажакимиз вориелари бўлган ёшларни яхши билим олиб, халқимизга зарур бўлган касб-хунар эгалари бўлишлари, баркамол, соғлом ўсишларига катта ғамхўрлик қилмоқда. Буни биз ўзимизнинг кундалик фаолиятимизда ҳам сезиб, кўриб-билиб турибмиз.

«Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, ёш авлод мураббийлари бўлган педагогларимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийналиб қолмасликлари учун уларга кўплаб имтиёзлар берилиши, олий ўқув юртлири, ўрта махсус билим юртлирида таълим олаётган ёшларимиз стипендияларининг ошириб берилиши каби қатор амалий тадбирлар ёш авлоднинг тарбиялаш, уларни ватанимиз истикболини белгилайдиган кишилар қилиб етиштириш йўлида ҳукуматимиз ва Президентимиз олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат натижасидир.

Шу йилнинг 1 октябидан бошлаб талабалар ва ўқувчиларнинг транспортда фойдаланишлари учун имтиёзлар берилди. Яъни талабаларга темир йўл транспортда 50 фоизлик, ҳаво йўлларида 30 фоизлик имтиёзлар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида тузилган Битим асосида иш юритиб касба уюшмалари ҳам талабаларимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келишмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида республика талабаларидан 40 минг нафарини санаторийлар ва профилакторийлар, дам олиш уйларида соғломлаштирдик. Бунинг учун давлат ижтимоий сўғурта маблағи жамғармасидан 180 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Йўлланмаларнинг 80 фоизи кам таъминланган талабалар учун умумий таннархнинг 10 фоизи миқдорда соғилди. Йўлланманинг 90 фоиз харажатини касба уюшмалари ўз ҳисобларидан тўладилар.

Талабаларни ижтимоий муҳофазалашда талабалар жамғармаси ҳам бир қатор яхши ишларни амалга оширмоқда.

Аммо кўриладиган чора-тадбирларга қарамай бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб даври осонликча ўтаётгани йўқ. Иқтисодий муносабатлар талабаларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг яхши яшашлари, билим олишлари учун шароитлар яратишда айрим қийинчиликларга олиб келмоқда. Хатто айрим олий ўқув юртлирини битирган ёшларда ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланмапти. Ҳали ҳам кўплаб талабалар ётоқхоналар билан таъминланмаган. Уларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларида ишлаб озми-кўпми даромад қилишлари шартли яратилмаган. Бу каби қийинчиликлардан ҳаммамиз хабардормиз. Шунинг учун бизнинг вазифамиз бу ишга мутасадди бўлган ташкилотлар билан бамаслаҳат иш юритиб, бундай камчиликлар, нуқсонларга барҳам беришдан иборатдир. Ноябрь ойида ўтказилган халқаро талабалар кўни олдидан уларни ижтимоий муҳофазала килиш борасидаги фаолиятимизга бир назар ташлаш, мавжуд камчиликларга барҳам бериш йўлларини излаб топиш учун ҳам бугунги давра суҳбатини ташкил этдик. Ишонаманки, бугунги суҳбатимиз талабаларни ижтимоий муҳофазалаш борасида олиб бориладиган ишларни яхшилашга катта ҳисса қўшади.

**«Ишонч» газетасининг бош муҳаррири Тўлқин ҚОЗОҚ-БОЕВ:**



ЯҚИНЛАРГАЧА ёшларимизни, шу қаторда талабаларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидати тушунчалар руҳида тарбиялардик. Байналмилалчи тарбия билан шугулланардик. Ватанимиздаги ва чет эллардаги тарихий жойларга саёхатлар уюштирилди. Ўтмишда ёшларнинг Ватан мустақиллигини сақлаш учун кўрсатган шижоати, қаҳрамонликлари билан таништирилди. Бу билан ёшлар Ватанини севишга, даъват этиларди. Қардош халқлар ўртасидаги дўстлик алоқалари мустақамлашишга замин яратилди. Уларни жисмонан бақувват бўлишига эришиш борасида турли спорт ўйинлари ўтказилди.

Кейинги пайдада учрашуларда гапларимиз талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишдан нарига ўтмай қолди. Инсон овқат ейиш учун яшамайди. Яшаш учун овқат ейди-ку. Талабаларни халқимизнинг ҳаётига сингиб кетган тарихан таркиб топан аъёналар руҳида тарбиялашни ҳам ўйлайлик. Илгарилари «Мархабо талантлар» телекўрсатуви, «Талантларни излаймиз» радио эшиттиришлари бўларди. Кўрсатув ва эшиттиришларда катнашиш учун ёшлар тайёргарлик кўришарди. Бу

жараён олий билимгоҳларда ўқиётган кўпчилиكنи камраб оларди. Бугунги кунда улар орасидан халқимиз олқишига сазовор маҳоратли артистлар етишиб чикканлигини кўпчилик билади. Ўқиш билан танлов жараёни кўшилиб, талабалар ҳаётига қувонч бағишларди. Хозирги пайтда ўшанақа тадбирлар унутилгандай бўлиб турибди.

Яқинда «Ўзбекистон электр аппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Санъат ихлосмандлари, бирлашманинг бош директори Абдуманноп Алимбоев ташаббуси билан В. Шекспирнинг «Ричард III» асарини сахналаштирди. Бирлашмадаги маҳорат эгалари асарни сахналаштириш тараддуди билан ишдан сўнг шугулланишди.

Асардаги воқеалар руҳини тўлиқ очиш учун зарур бўлган барча кийим-кечаклар, қилич, қалқон ва найзалар ўзларида тайёрланди. Спектакл «Театр: Шарқ-Гарб» Тошкент фестивали кунлари Алишер Навоий номидagi Давлат катта академик театрида кўрсатилди. Аммо вақти келиб спектаклни қўйиш учун кетган пулларни ҳисоблаб, ортикча сарф-харажатлар қилинди деовчи топилиб қолиши ҳам мумкин.

Бундан хулоса қилиб айтмоқчиманки, мустақил давлатимиздаги талабаларни билим олиш жараёнида, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарфланган харажатлар ўрни ҳам худди театр учун сарфланган харажатлар сингари фан-техника ютуқлари амалиётда қўлланилиши, ишлаб чиқаришга тежамкорлик жорий этилиши билан қопланиб кетади. Демак талабаларга сарфланган маблағ келажакда ўз самарасини беради, деган фикрдаман.



**Тошкентдаги кимё-технология олий билимгоҳи бирлашган касба уюшмасининг раиси Нуриддин ҲАЛИЛОВ:**

— ТАЛАБАЛАР эзгу ниятларига эришиш учун билимларни кўп билан эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Кўп бўйи билимгоҳда бўлишиб, мазмунли маърузалар тинглашади. Лаборатория машқларини бажаришади. Топпирикларни уддалашади.

Ўқув жараёнига рейтинг-тест тизими жорий этилганлиги ўқитувчилар талабаларнинг билимларини тез-тез синаб туришини тақозо этмоқда. Шу боисдан талабалар ҳар бир дарс ёки лаборатория машқини пухта эгаллашга ҳаракат қилишади. Бунинг учун улар туш-ликда иссиқ овқат истеъмол қилишлари лозим. Шу боисдан мен нархи эллик фоиз чегирилган чипталарни кўп болали ёки кам таъминланган оила аъзоларига бериш зарур, иқтисодий жиҳатдан етарли бўлган талабалар олмаса ҳам бўлади, — деган фикрга қаршиман.

Чипта тарқатишда ёшларни гуруҳларга бўлиш кўпгина талабаларнинг иззат-нафеониятига тегади. Бусиз ҳам талабаларнинг аудиторияларда ўзини туттиши, йўлақларда юришида фарқ бўлади.

Олийгоҳимизда ўн битта етим талаба бор. Уларга ўн минг сўмдан кўшимча стипендия берилмоқда. Бизда ўн битта кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Талабалар бўш пайтларида шу корхоналарда ишлашади. Улар тайёрлаган буюмларни кўриб хавасингиз келади. Шаҳар ҳокимлиги Гоголь номи кўчасида битта куллиётни бошқа жойга ўтказиш масаласини қўйган. Лекин кўчиб ўтадиган жой кўрсатилмапти. Бу куллиётда лабораториялар жиҳозланган. Талабаларнинг кўшимча даромад олиш мақсадлари бўлган кичик корхоналар ҳам шу ерда жойлашган. Қизларни ишлаш учун ётоқхоналарга тикув машиналари қўйиш режалаштирилмоқда. Бу билан кўшимча даромад олишни хоҳлаётган талабаларни меҳнат қилишига тўлиқ шароит яратилади.

**Ўзбекистон талабалар жамғармасининг бош директори Шухрат ҚОСИМОВ:**



— ЎТГАН йилнинг октябрида юртбошимиз И.А. Каримовнинг талабаларга кўрсатаётган ғамхўрлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида республика талабалар жамғармаси ташкил этилганди.

Бугунги кунда талабаларга дунё миқёсидаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж талабалари даражасида билим бериш зарур. Бунга эришиш учун олийгоҳларнинг ректорлари, касба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолиятларини қайтадан ташкил этдилар. Хозирги вақтда вилоят марказларида Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг шахобчалари очилганлиги ҳам мақсадга мувофиқ бўлди. Талабаларнинг бир қисми ўз уйларига яқин бўлган шаҳарларда ўқишмоқда. У ердаги талабаларни ижтимоий жиҳатдан вилоятларнинг раҳбарлари ҳимоя қилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир мунча ишларни амалга оширдик.

Олий ўқув юртлири раҳбарлари етим талабаларни аниқлаб беришди. «Наврўз» жамғармаси билан ҳамкорликда совғалар олиниб, уларга кийим-кечак берилди. Онлали ва кўп болали хонадонларда тарбияланаётган талабаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Аммо имкониятимиз чекланган. Бугунги кунда мустақил давлатимизга келгусида қанча иқтисодчи, ўқитувчи, юрист ва бошқа мутахассислар зарурлиги, уларнинг неча фоизи ёрдамга муҳтожлиги аниқланиши даркор.

Талабалар стипендияга кўшимча даромад олиши керак. Бугунги кундаги ҳаёт уларнинг ижтимоий меҳнат билан шугулланишини тақозо этмоқда. Илгарилари талабалар отряди бўларди. Бошқа тизимлар ишларди. Ёрдамга муҳтож бўлган талабаларни кўшимча стипендия билан таъминлаялмиз. Хозирги кунда талабаларнинг илмий ишлари жамланган тўплам чиқаришга тараддул кўрилмоқда. Тўғри, янги ётоқхона қурулмапти. Лекин ёшлар ётоқхонасидаги шароитни ўрниниб, зарур жиҳозлар билан таъминланишига бошқошлик қилмоқдамиз.

**Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг ўринбосари Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА:**



— МЕХНАТ қилишни истаган талабаларни иш билан таъминлаш зарур. Биз ўқиган даврда ҳам талабалар турли жойларда ишлашарди. Ўқиш ва иш бир-бирига монанд бўларди. ТошМИ талабаларни шифохоналарда навбатчилик қилишарди. Уларнинг бири ойнанинг ўн кунда шифохонада беморлар дардига малҳам қўярди. Хозир эса тажрибали врач, илмий текшириш олийгоҳини бошқармоқда.

Туман меҳнат биржаларига талабалар иш сўраб мурожаат қилишмоқда. Уларга ҳар хил иш таклиф этилиб, мавсумий ишларга жалб этилмоқда. Қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, касб ўргатилмоқда. Маҳсуус жамғармали биржалар орқали имтиёзли қарз беришни йўлга қўйишимиз мумкин. Ёшларнинг корхонада эмас, ўз уйида ишлашига ҳам шароит яратилади.

Бугунги кунда ёш мутахассисларнинг бир қисми ишга жойлашолмай юрганлиги сир эмас. Кўпгина корхоналардаги бўш ўринлар эса мутахассисларни кутмоқда. Бундан кўриниб турибдики, олий билимгоҳларда кадрлар тайёрлаш чоғида жойлардаги эҳтиёж тўғри ҳисобга олинмайди.

Асака шахрида автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши муносабати билан кўплаб муҳандисларга эҳтиёж сезилмоқда. Ёш мутахассислар жанубий Корейдаги турдош корхонада бўлиб, малакаларини ошириб қайтишмоқда. Республикадаги автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига қадам бу жараён давом этаверади. Талабалар қабул қилиш режалаштирилганда автомобиль ишлаб чиқарилган корхона эҳтиёжи ҳисобга олиниши керак. Биздаги пуллар асосан жойлардаги ҳокимларнинг аҳолини иш билан банд этиш дастурини бажаришга сарфланади. Шунинг учун талабаларни иш билан таъминлаш муаммосини вилоят, шаҳар ва туманлардаги Ҳокимликлар дастурига киритиш зарур. Вилоятнинг аҳолини иш билан таъминлаш дастури тасдиқлангач вазирлигимиз маблағи ёшларни иш билан таъминлашга қонуний ҳолатда сарфланади.



**Тошкент шахридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимининг ўринбосари Едгор ШОДМОНОВ:**

— БИЗДАН олдин талабалар билан иш олиб борадиган ҳокимлик бўлмаганди. Шунинг учун шаҳарча ҳокимлиги ташкил этилган дастлабки кунларда фаолиятимизни нимадан бошлашимиз зарурлиги борасида ўйладик. Кўпни кўрган тажрибали кишилар билан маслаҳатлашдик. Уларнинг фикри бўйича кизлар билан алоҳида иш олиб боришни йўлга қўйдик. Кам таъминланган талабаларга ёрдам бериб боришни биринчи вазифамиз деб билдик. Изланиб шаҳарчадаги талабалар орасида 150 нафари боалар уйда тарбияланганлигини аниқладик. Уч юз нафардан ортик талаба эса Афғонистонда хизмат қилган йигитлар эди. Дастлабки ёрдам уларга кўрсатилди.

Келгусида соғлом авлод вояга етишига эришиш учун кизлар билан учрашувлар ўтказиш ташаббускори бўлдик. Республика талабалар жамғармаси ташкил этилгач ишимиз бироз енгиллашди. Жамғарма биринчи кундан бизга ёрдам кўрсата бошлади. Шаҳарчада наврўз байрами ўтказишга юз минг сўм ажратди. Мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги нишонлашни арафасида юкорида қайд этилган миқдордаги маблағга совғалар олиб, талабаларга тарқатилди. Ёшлар ўз олдларига билим олишни мақсад қилиб қўйишган. Шунинг учун улар тўлиқ ижтимоий ҳимояланиши керак. Иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари тўпلامини чиқаришга тараддул кўрмоқдамиз. Бунинг учун саноат корхоналари ва фабрикаларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Бирон корхонада ишлаш истаганини билдирган ёшлар туман ҳокимияти, меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштирилмоқда. Шаҳарчада талабалар концерни ташкил этилди. Оёқ кийимини тикиш цехи бор. Ишлаш истагани билдирган ёшлар мақсади фақат пул топишгина эмас, ўқиётган мутахассислиги бўйича малакасини ошириб боришга йўналтирилмоқда. Мақсадимиз техника университетини талабаларини иш билан «Фотон» бирлашмаси таъминлаши ҳозирги замон талабаларига мос бўлади деган фикр билан ифодаламоқчиман.



**Мухбир:** — «Ишонч» газетасининг «Биздан сўрабсиз» рукнига келган хатларни бир сидра кўздан кечирарканман буларга расмий жавобларнинг ўзига кифоя қилмаслигига тушундим. Майли, юристлар жавоб беришсин, лекин қанчалик дард билан ёзилган бу мактублар муаллифига ҳарорат, одамий бир малҳам зарурлиги сезилиб турибди. «Ишонч» таваллуд кўрибдики «Биздан сўрабсиз» рукнидаги савол-жавоблар ўқувчилар учун ҳаммаша кутилган мавзу бўлиб қолганини кўраётимиз. Айрим саволлар, айниқса, пенсия ва болаларга нафақалар, декрет таътили ҳақидаги саволларга жавоблар бир неча бора такрорланган бўлиши мумкин. Бироқ, мазкур хатлардаги саволлар аксарияти ҳам айнан шу мавзуда. Нега шундай? Нима учун бир-биримизга кўмак бериб, оғирини енгил қилишга шошилиш ўрнига мутасаддилар олдига қайта-қайта бориш, эшикларига қайта-қайта бош уриш керак? Нега она қонуний декрет таътили ёки боласига нафақа олиши учун юқори ташкилотларга хат ёзиб, ойлаб ва хатто йллаб кутишга мажбур бўлади?

Бу каби саволларга жавоб ахтариб бир қанча ташкилот раҳбарлари, масъулиятли шахслар билан суҳбатлашимизга тўғри келди. Қуйидаги жавоблар ана шу суҳбатимиздан бир шингил:

«1991 йил 19 майдан бери оиламиз билан марказий касалхонага қарашли уйнинг бир хонасида тўрт киши яшаб келмоқдамиз, — деб ёздаи Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Варганза қишлоқ тармоқ касалхонаси болалар вақти М. Раҳмонова, — биз ўзимиз ўтирган давлат хўжалиги ҳисобидаги уйни хусусийлаштиришга ҳақимизми?»

**Г. Абдуллаева:** — Давлат тасарруфидаги уйни хусусийлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ давлат хўжалигига қарашли уйларни хусусийлаштириш маҳаллий ҳокимият ташкилотлари билан биргаликда ҳал этилади. Хусусийлаштириш давлат уй жамғармаси бошлиқлари ёки ваколатли давлат бошқарув ташкилоти томонидан амалга оширилади. Шунинг учун сиз мавжуд қонуннинг 16-, 17-, 18-моддаларига мувофиқ яшаб турган хонангизни хусусийлаштиришингиз мумкин. Лекин ушбу уйда доний рўйхатда бўлишингиз лозим. Негаки ётоқхоналар ёки хизмат юзасидан берилган квартираларни хусусийлаштириш мумкин эмас.

**Мухбир:** — Х. Жонқобилов ёзган мактубнинг мазмунига кўра бир аёл декрет таътили пайтида ишлаб турган идора, яъни туман кенгаши тугатилиб, ҳокимликка қарам бўлиб қолган. Ҳокимликда эса аёл ишлаб турган референт штати йўқ. Аёл бир ярим йиллик қонуний муддати тугамай иккинчи фарзандига ҳомиладорлик варақаси олади. Энди «ҳокимлик иккинчи декрет варақасига ҳақ тўлайдими?» деб савол берилибди.

**Г. Абдуллаева:** — Ҳокимлик декретдаги аёлнинг штати кискарган бўлишига қарамай уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқни бекор қилиш ва амалдаги қонунларга кўра ҳомиладорлик варақасига ҳам ҳақ тўлаши керак. Чунки ҳомиладор аёлларни ва бир ярим ёшга етмаган боласи бор аёлларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Корхона, муассаса, ташкилот батамом тугатилиши сабаб бўлиб бошқа ишга жойлаштириш шарти билан ишдан бўшатиш ҳоллари бундай мустасно. Мабодо муассаса тугатилган бўлса ҳам ишдан бўшатилаётган аёлларни бошқа ишга жойлаштириш мажбурияти ўша маъмурият зиммасига юклатилади. МҚКнинг 511-моддасида кўрсатилишича штати кискарган ходимларга ана шу корхонада бошқа иш берилиши ҳам мумкин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғ-

рисида»ги Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилишича «Тугатилаётган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишдан бўшатилаётган ходимларига тўланishi лозим бўлган ҳақлари уларнинг ҳуқуқий ворислари томонидан амалга оширилади.

**Мухбир:** — Тахририятга келаятган жуда кўп хатларда у ёки бу касаллик билан оғриганлар марказий шифоналарга бориб даволаниш учун нима қилиш ва кимларга мурожаат этиш каби бир қатор саволлар беришади.

## ОДАМЛАР БЕҲУДАГА РАНЖИМАЙДИЛАР

Жамоатчи мухбиримиз Раъно Раҳмон қизининг ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли ҳуқуқшунослик техникуми ўқитувачиси Гулбаҳор Абдуллаева билан мулоқоти

Жойларда тиббиёт ходимларининг, маҳаллий ҳокимлик ва айрим ташкилот мутасаддиларининг одамлардан узоклашиб бораётганларидан зорланиб ёзишади.

**Г. Абдуллаева:** — Одамларга бир оғиз яхши сўз айтиб ёки иложи борица ёрдам бериш савобга доҳилик туйғуларимиздан биридир. Шифокор одоби доирасида бемор билан муомалада уларнинг руҳиятига кириб бора олса эди, бемор аллергия ёки соч тўкилиши, оёқ оғриги каби дардлари билан узок йўл юриб, чўл кезиб марказга келишга мажбур бўлишмас, ҳар ёкка хат ёзиб жавоб кутишга ҳожат қолмасди. Қоракалпоғистоннинг Эликкалға тумани бош врач Рашид Оллобергановнинг сўзлари айна пайтда ўрнига қўйиб айтилганлиги ана шу мазмундаги баъзи саволларга жавобдир. «Халқни айблаш керак эмас, — дейди шифокор, — Боши эшикка тегиб қайтган бемор қандай қилиб шу даргоҳдан шифо топишига умид қилсин? Беморнинг нигоҳларига совуқ бир назар ташлаган шифокор қандай қилиб эл ишончини окласин ва олқиш олсин? Агар врач астойдил ёрдам бермоқчи бўлса, беморнинг ҳам кўнглига тез йўл топади. Беҳуда сарсон-саргардонликларга эса ўрин қолмайди. Чекка туманларда кўпинча чуқур тиббий ташхисга муҳтож, мураккаб жарроҳлик операцияларига илож ва имкони йўқ пайтлар бўлади. Шундай пайтда беморни сен Москва ё Тошкентга боришинг ке-

рак, деган жавоб билан жўнатиб юбормасдан қаерга ва кимга учрашишни тушунтириш зарур. Иложи борица барча ҳужжатларини бекаму кўст қилиб, хатто ўша йирик касалхона раҳбари номига шошилиш маълумотнома ва хат қилиб берса, олам гулистон-ку? Агар беморнинг ахволи ўта оғир бўлса, у борадиган марказнинг вокзал ё аэровокзалига «Тез ёрдам» машиналари чақиртириш ҳам мумкин. Шифокорлик тарихида шундай ҳоллар бўлган-ку? Нега энди шунини одат тусига киритмаймиз? Бизда одамлар унчалик ҳам соғликлари тўғрисида қайғуришга одатланмаганлар. Чунки тирикчилик, ўғил уйлаш, киз узатиш, уй-жой каби ташвишлар шу қадар илдириб кетганки, баъзилар йиқилиб қолмагунча ўзини хастаган деб ҳисобламайди. «Салгина мазам кочибдими» дейди холос. Холбуки, шу «салгина маза кочиш» натижасида дардан фориғ бўлиш учун ойлаб ётишга тўғри келади.

**Мухбир:** — суҳбатимизга Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Ҳафиза Фаёзова қўшилди:

— Оворагарчиликларнинг сабаблари ҳақидаги саволингиз кўпдан меннинг ҳам қайғум бўлиб қолган. Эндликда биз идора ва ташкилотларда, умуман ҳамма жойда вақт тушунчасининг магзини чақишимиз, вақтнинг

кадрига етишимиз, ўзимизнинг ва бошқаларнинг вақтини ҳам беҳуда сарфламаслигимиз керак. Одамлар арзимаган савол билан идора эшигига икки-уч соатлаб пойлашади. Биз социалистик тартибдаги вақтни тўғри тақсимлашга ўрганиб қолганмиз. Бу хол яна кўзга ташланиб турибди. Чунки бир муаммо иккинчи яна бир муаммони юзага чиқараяпти. Кўпгина қонунлар ўз кучини йўқотиб, янгилари пайдо бўлмоқда. Айниқса, уй-жой, коммунал хизматлари, нафақа ва пенсиялар масаласида келувчилар бир қанча идораларга баравар мурожаат қилаверадилар. Чунки биринчи борган жойларида хар кимнинг ҳам иши тез битавермайди. Яхши тартиб ўрнатилган жойлар қабулхоналарида эса ўнлаб одамлар навбат кутиб, талашиб-тортишиб асаблари бузилмайди.

Қасаба уюшмаларининг вазифалари шу ишларни ҳам амалга оширишдан иборат бўлиши керак. Жойлардаги бошланғич уюшмаларнинг фаолияти касаллик варақасига муҳр босиш ва уни рўйхатга олишга бўлиб қолмаслиги лозим. Мен хоҳлардимки, хар бир идорада «Қасаба уюшмаси тахтаси» ёки «Хабарлар тахтаси» бўлиши ва унга давлатнинг аҳоли маънавий-маданий турмушига алоқадор қарор ва қонунлар илиб қўйилиши фойдадан холи бўлмас. Шунда қонунлар оғнимизга ўрнашиб, билим дои-

рамиз ҳам кенгайиб боради.

**Тиббиёт фанлари, номзоди, профессор Эркин Қосимов сўзидан:**

«Ишонч» газетасига мурожаат қилаётган шикоятларда жон бор. Биз тиббиёт ходимлари Лукмони ҳакимдан мерос қолган табиб одобини маълум маънода унутиб қўйганмиз, десам ҳамкасбларимиз ранжимаслар. Чунки шифокор билан бемор нигоҳларининг биринчи тўқнашувиёк бемор руҳиятида ижобий ёки салбий фикр уйғотиб қўяди ва даволаш ўша асос устида давом этади. Муомала одобини жойига қўёлмаган шифокорнинг бемори инжиқ ва ишончсиз бўлади, бошқалардан кўнгли совийди. Бемор меҳрга муҳтож, шу боис ҳам у бир қадар эрка, бир қадар талабчан, бир қадар инжиқ бўлса уни тушуниш керак. Беморнинг сиздан кўнгли тўлмади, демек талабининг 99 фоизда ҳақ! Мисол учун невропатологга йллаб катнаган бемор ўзини қушдай енгил ҳис қилса, юрагига ботиб турган тошдан ҳалос бўлса — ундан бахтиёр одам йўқ. Биз доим шунга эришишимиз керак.

**Мухбир:** — Мана бу хатни бир гуруҳ иккинчи тоифа ҳамширалар номидан М. Боймирзаева, Т. Олимовалар йўллашиб, тоифалар ва иш ўринларига кўра ҳақ тўлаш ҳақида тушунтиришимизни сўрашибди.

**Г. Абдуллаева:** — Ҳамширалар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф жадвали асосида белгиланган бўлиб Президентимиз фармонида биноан босқичма-босқич кўпайтирилиб берилмоқда.

**Мухбир:** — М. Йўлдошев соғлиқни сақлаш ходимларининг уй-жой ва коммунал хизматлари соҳасидаги имтиёзлари ҳақида сўрайд.

**Г. Абдуллаева:** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилнинг 28 июль 448-фармонида мувофиқ тиббиёт ходимларига ушбу имтиёзлар берилган:

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб бепул хусусийлаштириш;

— ер участкалари ва якка тартибда уй-жойлар куриш мақсадида сотиб олиш учун бинокорлик материалларини биринчи навбатда ажратиб бериш.

**Мухбир:** — қуйидаги мактубни Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Иттифок» маҳалласида яшовчи Ҳамида Абдуазимова йўллабди: «Фарзандим Мурод Абдуазимов 1984 йилдан айна кунгача аввало сарик, кейин гепатитнинг фаол иккинчи даражаси билан оғриб, кўп азоб чекди. Боланинг ногиронлиги туфайли туман таъминот бўлимига мурожаат қилганимда у ердагилар ҳужжатларга қўшимча қилиб соғлиги ҳақида маълумот сўрашди. Поликлиника эса боланинг касаллиги ҳақида маълумотнома беролмаймиз дейди. Шу тўғрими?»

**Г. Абдуллаева:** — Собик «СССР фуқароларининг ижтимоий таъминоти тўғрисида»ги 1990 йил 15 май қонунда кўрсатилишича (ҳозир ҳам амалда) ногиронлик ва унинг гуруҳлари яшаш жойларидаги врач меҳнат экспертизасида аниқланади. Ўғлингиз қаерда даволаниб, ҳисобда турган бўлса, ўша тиббиёт муассасаси йўланма беради. Айрим тоифадаги касалларни кўриқдан ўтказиш учун махсус ВМЭК ташкил этилган.

**ДЕХҚОНЧИЛИК** саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кўмитаси меҳнат аҳлини соғломлаштиришга доимий эътибор бериб келмоқда. Вилоятдаги бир нечта санаторий-профилакторийларнинг намунали иш юритаётганлиги фикримизнинг далилидир. У. Юсупов тумани таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги «Беруний» номли, Қасби туманидаги «Майманок» номли Қарши ирригация институти, Яққабоб пахта тозалаш заводи, Шаҳрисабз туманидаги Гани Бобоёров номли хўжаликдаги шифо масканлари тармоқ меҳнаткашларига намунали хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, «Узқолхозсоздоровница»га қарашли

## СИҲАТГОҲЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Бешкент» санаторийсини ҳам вилоят кўмитаси моддий томондан таъминлаб келаятир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 2 йиллиги муносабати билан тармоқ қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси яна бир санаторий-профилакторийни ишга туширди. Яққабоб туманидаги Жуман Миҳлиев номли жамоа-ширкат хўжалигида «Тўқбой»

деб номланган шифо маскани фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир йўла 50 киши дам олиб, даволаниши мумкин.

— Санаторий-профилакторий жойлашган бино, — деди биз билан суҳбатдан тармоқ қасаба уюшмалари вилоят кўмитасининг раси Эшпўлат СУВОНОВ, — бир пайтлар хўжалик меҳмонхонаси сифатида қурилган. Ле-

кин ундан оддий меҳнаткашлар учун ҳеч бир фойда йўқ эди. Соя-сайкин, дарахтзор, шифобахш сувларга яқин жойлашганлигини ҳисобга олиб, хўжалик раҳбарлари туман ҳокимлиги билан келишиб, бу шифо масканини ишга туширишга қарор қилди. Кўмитамиз курилиш-таъмирлаш ишларига тиббий асбоб-ускуналар сотиб олишга 5 миллион сўм маблағ ажратди. Шифо маскани дастлабки дам олувчиларни қабул қила бошлади. Бу ишни яна давом эттираверамиз. Жумладан Шаҳрисабз туманидаги Гани Бобоёров номли хўжаликнинг санаторий-профилакторийси кенгайтирилиб 100 ўрнига етказилмоқда. **М. КЕНГБОВ, «Ишонч» мухбири.**



## ОДАМ—ОДАМ БИЛАН

Маҳалланинг бурилиш кўчалари-ю, пахса деворлари баланд-баланд кичик йўллар... Бу йўллардан ҳар куни эрталаб қаерларгадир ошиққан одамлар тўдаси билан чиқиб кетаман-у, кечга яқин қайтиб келаман.

Таниш нотанишларга тикиламан. Нигоҳларида, чехраларида бугунги ва ўтган кунларининг тугёнлари-ю, турмушининг ташвишу-қувончлари тамғалангандай...

Бу дунё бир кам дунё... Ҳар бирининг кўксига бир дард, бир ташвиш...

Маҳалла кўчасидан чиқиб келаятган отахон хомуш ва ўйчан. Қўллари орқасига чалиштириб, катта йўлга ўтиб боради. Умр йўлдошининг оламдан ўтганига ҳам анча-мунча бўлган. Фарзандлари бор. Ҳаммаси ўзидан тинган. Уйли-жойли. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг, қадди долдек эгилиб қолган. Елғизлик қурсин. Кимнингдир меҳрига, эътиборига муҳтож эди чоғи...

Ота ва ўғил ўртасидаги машмашанинг «миш-миш»лари ҳали тингани йўқ. Ота ҳовлининг ярмисини сотиб кўп қаватли уйлардан алоҳида жой олганмиш. Фарзанд эса ўз отасини судга берган.

Назаримда ўз ташвиши билан овора бўлган фарзандлар онасининг оқибатини, эътиборини бера олмадилар. Ота ана шундай меҳр излади. Топди. Уйланиб, алоҳида яшай бошлади.

Инсон пайдо бўлибдики, бир-бирини тушунишга қийналади. Ҳар бирининг ўз ҳақиқатимиз бор. Бироқ уни бировники билан тош-тарозига сола оламизми?

Ҳамма жанжал, ғурбат, пешонамизга битилган кўргуликлар ҳам ана шундан эмасмикин?

— Бундай ишларни маҳалланинг ёрдами билан ҳал қиламиз. Узаро то-туликни сақлашда, шунингдек бошқа хил фожиаларни олдини олишда ҳам маҳалла фаоллари бизга яқиндан ёрдам беради,— дейди Акмал Икромов тумани халқ судининг раиси Қодиржон Йўлчиев.— Чунки маҳалла уларни яхши тушунади. Кимга қандай муомила қилишни билади.

Ёш оилаларнинг ажралиши кўп қаватли биноларда яшовчиларга қараганда маҳаллаларда анча кам. Бу ёш оилаларни сақлаб қолишда маҳаллаларнинг таъсиридан далолат беради. Вазифамиз шикоят ёзган оилаларни ажратиш эмас, сақлаб қолишдир. Айни пайтда кўп учраётган жиноятлардан бири ўғирлик ҳам кўп қаватли биноларда истиқомат қилувчиларга қараганда маҳаллада яшовчилар орасида камроқ учрамоқда. Буларнинг ҳаммаси «маҳалла ҳам ота — ҳам она» нақлини тасдиқласа керак. Менимча — маҳаллада назорат кучли. Етти эшик наридаги кўшни бирор айбли иш қилаётган болани қулоғини чўзиб қўйиши мумкин. Ё бўлмаса, муношиларда тўдалашиб турадиган ўсмирлар бирор ножўя иш қилаётган бўлсалар, узокдан келаётган кўшнисини кўриб, дарҳол ўзларини йиғиштириб оладилар.

Акмал Икромов туманининг 1—9-а мавзёига қарашли уй тагида бир аёл йиғлаб турарди. Қўлида чақалоқ, ёнида эса бир уюм рўзғор буюмлари. Уни шу бугун уйдан ҳайдаб кўч-кўрони билан ташқарига чиқариб қўйишди. Бола тинимсиз йиғлар, ўзини йўқотиб қўйган аёл, чақалоғини қўлимга берди. Боланинг йўрғаги жиққа хўл. Аёл уйилган бўғчалар орасидан ниманидир пайпаслар, кераклик нарсаларни топа олмади. «Эҳтимол, чанқандир» деди-ю, сўргичли шийшани олди. Бир оз ўйланди. Кейин шойилганича биринчи қаватдаги кўшнисиникига кириб кетди.

У ёлғиз она эди...

...Нималар бўлаяпти. Қадимда бева аёлларга саховат қилинарди. Қўлида-

ги гўдагини оёққа турғизиб олгунича суяб сийлашарди. Танишми-нотаниш, ўз тоғанини эшиқдан ташлаб кетардилар. Энди-чи... Наҳотки, қўлидаги икки ойлик гўдаги билан бошпанасиз кўчада қолса...

«Набиева Шоҳида ота-онаси билан кўшни уйда яшар эдилар — деб тушунтиради шу уй кўмита раиси А. В. Кашелева. — У 9-уйнинг 18 хонадониде истиқомат қилган Иван Федорович Никулиннинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, кир-чирини ювиб қараб турарди. Никулин ногирон эди. Ёши ўтгач, ёлғиз қийналиб қолганди. У умрининг сўнгги йилларида ўзи яшаб турган жойни Шоҳидага қолдириш нияти борлигини кўп марта айтганди. Бироқ, фалаж касали билан оғриб, тез орада оламдан ўтди. Шунинг учун уйни келишилганидек расмийлаштиришга улгура олмай қолдилар».

Шоҳида маҳалла участкавий турар жойдан фойдаланиш идорасининг ходимлари ва бошқа кўшнилари-нинг гувоҳлигида бундан 8 йил олдин 9-уйнинг 18 хонадонига кўчиб ўтди. 8 йилдан бери уй солиғини ўз номидан тўлаб, яшаб келарди. Эҳтимол Шоҳидани қонун ҳимоя қила олмади. Қоғоз-возик ва расмийчиликларни вақтида ўз ўрнига қўя олмагандир. Содо, юввош халқимизнинг қанчадан-қанчаси ана шундай ҳуқуқий саводсизлик қурбонлари бўлиб келишаётганлиги сир эмас.

Аммо, бор ҳақиқатни кўни-кўшнилари билишади-ку. Наҳотки, кундалик ташвишларини бир лаҳзага четга суриб, қўлида чақалоқ билан кўчада қолган ёлғиз жувоннинг ҳақини сўраша олмади... Ахир маҳалла фаоллари ўз маҳалласида уйга муҳтож киши бўлмасанига бўшаган уйни бирон кишига сотиш ёки бериш учун ҳокимиятнинг ихтиёрига топширишлари керак-ку? Наҳотки ён-атрофдаги кўшнилardan биронтаси маҳаллага берилган ана шундай ҳуқуқдан фойдаланиш мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмасан?

8 йилнинг ичида Шоҳиданинг онаси вафот этибди. 42 кв. метрга 6 киши аранг сийишиб ўтирган уйга, иккита боласи билан қандай кириб борсин?

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда одамлар бир-бирларидан узоқлашиб кетдилар... Ён-кўшни — жон кўшнисини танимайди. Нима учун? Яшаш қийнлашиб кетдими? Кундалик ташвишлардан ортиб ён кўшнимизга қиёбоқиб қарашга ҳам улгуролмай қолдикмикин?

Назаримда ўзаро мулоқот йўқолган. Элга ош тортилган дастурхон атрофида учрашиб, икки оғиз ҳол-аҳвол сўрашга имкон бўлмайди. Чойхоналарда ўтиришлар, ўзаро гурунлар қолмади. Гугурт қутисидек бетон уйларга қамалиб, телевизор ва газета билан ўзимизни овутадиган бўлиб қолдик.

Ана шунинг учун ҳам баъзи жойларда маҳаллаларни мавқеини ошириш ва ўзаро оқибатларни тиклаш мақсадида бошқаларга намуна бўладиган қатор тadbирлар амалга оширилмоқда.

— Айни кунларда маҳалла марказларининг очилиш тadbирлари бўлиб ўтмоқда — дейди Шайхонтохур тумани маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи Аброл Анваров. — Олмасор, Тутзор ва бошқа маҳаллаларда марказлар очилди. Унда замонавий қурилган кичик корхоналар, тўгараклар, янги чойхона ва бошқа маҳалла аҳлининг эҳтиёжи учун керакли барча иншоотлар қурилди. Маҳалла марказларини очилган мақсад — аҳоли билан яқинлашиб, уларни эҳтиёжини, талабини ўрганиш ва кўмаклашибдир. Шу билан бирга маҳалла аҳлини ўзаро мулоқотини кучайтиришдан иборатдир. Кўп қаватли уйларда ҳам маҳаллалар ташкил этилмоқда. Мисол учун Марказ-13 да



— Жон болаларим, биз катталарнинг гапи сизларга сув билан ҳаводай зарур. Меҳнатсевар бўлинглар, ҳалол, пок яшанглар. Ҳали бизнинг ёшимизга етганда ўтган умрга ҳисоб беришга тўғри келади,— дейди 86 баҳорни қаршилаган отахон Туроп ота Ғоипов. Бу отахон Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги Хофиз Кўҳакий маҳалласи фаолларидан. Бу маҳаллада ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Даврон Аҳмад олган сурат.

Жангоҳ маҳалласи, Марказ-14 да Баландмачит маҳалласи ташкил этилди. Кенжа маҳалда кўмитасининг раиси Мирзааҳмад Фозилов бошчилигида эса шу маҳалланинг маркази ишга туширилмоқда. Уларга «Наврўз» хайрия жамғармаси ёрдам берапти. Баландмачит маҳалла марказининг қурилишида Тохир Муслимов бошқош.

Маҳалла марказларининг қурилишида, ўша маҳалла ҳудудиде жойлашган корхоналар яқиндан ёрдам берапти. Келажакда бундай тadbирларни янада кенгайтириш ишларини режалаштирганмиш.

Ҳа... Ери бирнинг дили бир, Дили бирнинг дарди бир... Бошига бирор кўргилик тушган киши кимнингдир таянчига, суянчига муҳтож. Бу табиий. Бироқ, ана шу таянч энг аввало ўз яқинларидан, оиласидан, ёру-биродарларидан, қолаверса маҳалла кўйдан кутади.

Ҳаёлга толаман. Бу дунёнинг пойдевори атайин шундай яралгандай. Одам-одам билан. Улар ҳаммаша бир-бирларининг маънавий кўмагига, юпанига муҳтож. Бир-бирлари билан сирлашишни, дардлашишни кўмсаб яшайдилар.

Бу йўллар... Маҳалланинг бурилиш кўчалари-ю, пахса деворлари баланд-баланд, кичик йўллар... Бу йўллардан ҳар куни эрталаб қаерларгадир ошиққан одамлар тўдаси билан чиқиб кетаман-у кечга яқин яна ўшалар билан қайтиб кираман.

Таниш, нотаниш... Уларга тикиламан. Нигоҳларида-чехраларида бугунги ва ўтган кунларнинг тугёнлари-ю, турмушининг ташвишу-қувончлари тамғалангандай...

Бу дунё бир кам дунё... Ҳар бирининг кўксига бир дард бир ташвиш...

Одамлар шойилманг, ошиқманг! Атрофга қаранг! Қулоқ тутинг! Кўз-кўзга тушади-ю, бир-биримизни кўрмаймиз. Нигорон кўзларда қалқиб турган ёшни сезмаймиш. Қалбимизга ҳанжардек санчилган ҳасратларимизни айта олмаймиз. Қаранг, кўшни хонадоннинг соҳибаси кўчада йиғлаб турибди. Елғиз, кўзлари кўрмай қолган амаки деворни пайпаслаб юришга қийналиб турибди, қайсидир хонадонда фожиа юз берди. Она ичкилик туфайли ўз фарзандини нобуд этди. Одамлар! Ошиқманг! Бир-биримизнинг қалбимизга қулоқ тутайлик!

Комила СУЛТОНОВА.

## МАҲАЛЛА

### БАЙРАМИ

ҚАРШИ шаҳрида жуда яхши бир анъана бор. Ҳафтанинг охирида — дам олиш кунлари шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган Марказий болалар боғида маҳаллалар кўни ўтказилади. Бу одат бир неча йиллардан буён давом этиб келаяпти. Чинакам байрам тусини оладиган бундай кунларда шаҳарнинг икки маҳалласи аҳли ўзларининг санъати, касб-ҳунари, эзгу одатларини намойиш этишади.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши, шаҳар ҳокимлигининг маданият бўлими бу ишларда бош-қош бўлаётир.

Шаҳарнинг Беклар ва Чармгар маҳаллалари байрами жуда эсда қоларли, мазмунли бўлди. Ҳар иккала маҳаллаларнинг кайвонилари ўз маҳалласининг ўтмиши, таниқли кишилари, ҳозирги

ҳаётлари, амалга оширилаётган савобли ишлар ҳақида сўзлаб беришди. Ҳунарманд ва косиблар ўз ишларидан намуналар намойиш қилишди. Беклар маҳалласидан Асқаржон Ҳазратқулов бошлиқ қаратэ тўғараги аъзоларининг чиқишлари боғда йиғилганларга манзур бўлди.

Шундан сўнг иккала маҳалланинг фольклор гуруҳлари миллий урф-одатлар, маросимлардан иборат сахна лавҳаларини, куй-қўшиқларни ижро этишди.

Қарши шаҳрида мунтазам равишда олиб борилаётган бундай тadbирлар кишиларнинг ўзаро аҳил бўлишига, меҳр-оқибатни оширишга, айниқса Ўзбекистонимизнинг келажакига бўлган ишонччи мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

«Ишонч» муҳбири.



НОЯБРЬ

15 ДУШАНБА

**УзТВ I**  
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Муסיқа оҳанглари». Телефильм. 18.25 «Тараққиёт замини». Узбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Концерт. 20.00 «Саҳродаги кўриқона». Телефильм. 20.10 Оқшом эртакли. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. «Мерос». «Бобурийлар шажараси». 21.30 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.

**УзТВ II**  
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бузулук ўрмони». Телефильм. 19.30 «Лаҳза». Хабарлар. 19.50 «Утмишсиз келажак йўқи». 20.20 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Лаҳза». Хабарлар. 21.00 «Ассалому алайкум».

**ОРБИТА IV**  
ПРОФИЛАКТИКА

15.00 Янгилар. 15.25 «Телемист». 16.10 «Муסיқий башорат». Кўп сериали телефильм премьераси. 16.40 «Истеъдодлар ва мухлислар». 17.20 «Иқболи кулганда». 18.00 Янгилар. 18.35 «Шеърлий альбом». Г. Шернова. 18.55 «Гол». 19.25 «Хужжатлар ва тақдирлар». 19.40 «Харфанинг акс садои». 20.10 Телевикторина. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадий телесериал премьераси. 23-серия. 21.55 «Спорт уик-энди». «Янги студия» таништирати: 22.10 «Эркак ва аёл». 22.55 «АТВ-брокер». 23.00 «Джэм-сешн». 00.45 «Бомонд». 01.15 «Мен». Танафус пайтида — (24.00) — Янгилар.

**ДУБЛЬ IV**  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Россияда бизнес». 9.30 Мульти-пулти. 9.45 «Оской шахмат №9». 10.45 А. Шнитке асарлари янтрайди. 11.15 «Беш оқшом». Бадий фильм. 12.45 «Уз-ўзига режиссёр». 13.15 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви. 14.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Бозор томон йўли». 14.20 «Сукунат». Бадий фильм. 1-серия. 16.00 «М-трест». 16.15 Болалар учун янгилар. 16.30 «Бола тилидан». 17.00 «Кўтқариш хизмати 911».

**18-00-19.45**  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 Душанба кунни детектив. «Лаки страйк» таништирати. «Сенат терговни». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан. 20.40 «Бахтли тунлар таъбири». 21.10 «Муסיқа ирик планди». 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Ҳақиқат онлари». 23.30 Катталар учун мултифильм. 23.35 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 00.10 Тунги сеанс. «Хужжиз уч кун». Бадий фильм (Польша).

**16 СЕШАНБА**

**УзТВ I**  
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.30 «Янгрисин, шўх ялларлар». 7.50 Мултифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 «Кўвноқ болалар». 8.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм. 10.20 «Тошкентда куз». Телефильм. 10.30 Уқув кўрсатуви: Математика. 11.00 Эртақлар ахшиликка етаклар. «Шаҳзода ва малика». 11.30 Уқув кўрсатуви: Информатика. 12.00 «Ешлик» студияси. «Гурунги». 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида». 18.45 Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 «Илҳом дақиқалари». 20.00 Телефильм. 20.10 «Оқшом эртакли». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Қорақалпоғистонда Тошкент маданияти кунлари олдидан. «Орол оҳанглари». 21.50 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.

**УзТВ II**

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Иқтисодчилар мактаби». 20.00 «Спринт». 20.25 «Кинотринад». 21.35 «02» тўқинида. 21.55 «Евдокия». Бадий фильм.

**ОРБИТА IV**

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «Хакка». Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 10.30 «Савдо кўприги». 11.00 А. Глезунов. «Денгиз». Поэма-фантазис. 11.20 «Джэм». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгилар. 12.20 «Эдемага қайтиш». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм. 3-серия. 13.10 «Осмони фалақда». 15.00

ней таништирати...» Мултифильмлар тўплами. 20.10 Фан ҳақида суҳбатлар. 20.40 «Севги уйлари». Телефильм. 21.10 «Билим сарчашмалари».

**ОМАД** таништирати

21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

**ОРБИТА IV**

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «Кидди-видди». 9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 10.30 Мултифильм. 10.50 «Турмуш икир-чикирлари». Бадий телесериали премьераси. 23-серия. 11.20 «Инсон ва қонун». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгилар. 12.00 «Эдемага қайтиш». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм 1 ва 2-сериялар. 15.00 Янгилар. 15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 15.40 «Конверсия ва бозор». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Иш». 16.25 «Тедди Рексининг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси. 16.50 Телефильм. 17.10 «Янги номлар». 17.50 «Технодром». 18.00 Янгилар. 18.25 «АвтоВАЗ қафолат беради». 18.45 «Хужжатлар ва тақдирлар». 18.55 «Оддий Мария». Кўп сериали бадий фильм премьераси. 19.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм. 22.15 «Мавзу». 23.10 «Матбуот-экспресс». 23.20 Жаҳон шаҳарларининг тунги ҳаёти. 24.00 Янгилар. 00.45 «Экстрo НУЖ».

**ДУБЛЬ IV**  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Ҳақиқат онлари». 12.00 Мульти-пулти. 12.10 «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадий фильм. 13.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Сукунат». Бадий фильм. 2-серия. 15.50 «Телегазета». 16.00 Россия телевидениеси театри. 16.25 Болалар учун янгилар. 16.45 «Рост» студияси. 17.10 «Трансросэфир». 17.45 «Мен қаҳрамонлик кўрсатмадим. Мен яшадим». Ольга Берггольц.

**18-00-20.00**  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм премьераси. 21.10 «Мўмин-қобил йўлбошчилар». 21.35 «Кузги сайловолди марафони». 21.45 Катталар учун мултифильм. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 «Буржлар туркумидан». 23.00 «Маърифат медалари». 23.45 Ю. Михалина рақсга тушади.

**17 ЧОРШАНБА**

**УзТВ I**

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.30 «Калбим наволарни». 7.50 Мултифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 «Билиб қўйган яхши». 8.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм. 10.30 Уқув кўрсатуви: Узбекистон ҳақлари тарихи. 11.00 «Ешлик» студияси. «Сенинг замондошинг». 11.30 Уқув кўрсатуви: Информатика. 12.00 «Урлднет» телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Концерт. 18.40 «Хамкорлик самараси». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Сиҳат-саломатлик». 20.00 Телефильм. 20.10 Оқшом эртакли. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Концерт. 21.45 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.

**УзТВ II**

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Иқтисодчилар мактаби». 20.00 «Спринт». 20.25 «Кинотринад». 21.35 «02» тўқинида. 21.55 «Евдокия». Бадий фильм.

**ОРБИТА IV**

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «Хакка». Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 10.30 «Савдо кўприги». 11.00 А. Глезунов. «Денгиз». Поэма-фантазис. 11.20 «Джэм». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгилар. 12.20 «Эдемага қайтиш». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм. 3-серия. 13.10 «Осмони фалақда». 15.00

Янгилар. 15.25 «Телемист». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Тедди Рексининг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси. 16.40 Композитор Е. Дега. 17.00 «Кизлар ўртасидаги сир». 17.20 «700-клуби». 17.50 «Технодром». 18.00 Янгилар. 18.25 Эфирда — Давлатларо «Мир» телерадиокомпанияси. 18.50 «Мулқдор алифбоси». 19.00 «Оддий Мария». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 2000 «Севги тарихи». 21.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.20 «Останкино» хит-паради». 22.30 Шахмат параллеллари. Жаҳон чемпионилиги учун шахмат бўйича матч якунлари. 23.00 Янгилар. 23.45 «Матбуот-экспресс». 24.00 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. Грециядан олиб кўрсатилади.

**ДУБЛЬ IV**  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 Автомиг. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар». 9.25 Тонги концерт. 9.40 «Буржлар туркумидан». 10.10 «Муסיқий залп». Халқаро фестивал. 11.05 «Муסיқий коллекция». Н. Сторожев. 11.50 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 12.40 «Параллеллар». 12.55 «Сафсатарлар». 13.25 «Дехқонларга тааллуқли масала». 13.45 «Шамолларга учган умр». Хужжатли фильм. 1 ва 2-қисмлар. 16.15 «Телегазета». 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 «Рост» студияси. 17.10 Мульти-пулти. 17.25 «Рус ижозатномаси».

**18-00-20.10**  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм премьераси. 21.00 «Сизнинг ҳуқуқингиз». 21.15 «Рус қобусномаси». 21.45 «Бизнес: янги номлар». 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Кузги сайловолди марафони». 22.45 «60 дақиқа». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви. 23.45 «Клуб». 00.25 Криминал хабарлар экрани. 00.35 «Винил чангалзорларидан».

**18 ПАЙШАНБА**

**УзТВ I**

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 Мултифильм. 8.00 «Кўвноқ болалар». 8.20 «Бухоро қорақули». Телефильм. 8.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 «Матбуот саҳифаларида» (рус тилида). 9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм. 10.30 «Алифбо сабоқлари». 11.00 «Урлднет» телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 11.15 «Ешлик» студияси. «Талабалик йилларим». 11.45 «Дон — ризқ-рўзимиз». 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Садод». 18.40 «Кашф этилаётган имкониятлар». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Сиҳат-саломатлик». 20.00 Телефильм. 20.10 Оқшом эртакли. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Концерт. 21.45 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**УзТВ II**

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. «Табассум». 20.00 «Одамийлик сабоқлари». 20.20 «Тошкент оқшомлари».

**ОМАД** таништирати

21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

**ОРБИТА IV**

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 «Хакка». Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. 2-тайм. 11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгилар. 12.00 «Эдемага қайтиш». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм. 4-серия. 15.00 Янгилар. 15.25 «Телемист». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Тедди Рексининг саргузаштлари». Кўп сериали мултифильм премьераси. 16.40 «Омад». М. Танич ҳақида. 17.10 «Джэм». 17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танафус пайтида

(18.00). — Янгилар. 18.50 «Хужжатлар ва тақдирлар». 18.55 «Оддий Мария». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 19.45 «Миниатюра». 19.55 «Жамоатчилик фикри». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 «Жамоатчилик фикри» (давоми). 21.40 «Твин Пикс». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 5-серия. 22.40 «Пен-клуб». 23.40 «Матбуот-экспресс». 24.00 Янгилар. 00.45 «МТВ».

**ДУБЛЬ IV**  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Кетдик». 9.10 «Таниш чехралар». Муסיқий дам олиш танлови. 9.40 Тонги концерт. 9.55 «Параллеллар». 10.10 «К-2» таништирати: «Абзац». 11.35 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия — Туркия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади. 12.35 «Жаҳон аёллари». Кўп сериали хужжатли фильм премьераси. 3-серия. 13.05 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 13.55 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.15 «Кўтқариш хизмати 911». 15.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан кўради». 15.30 «Телегазета». 15.40 «Китоблар оламидаги гаплар». 15.55 «Ҳали англамаган коинот». 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 «Рост» студияси. «Арт-зона». 17.10 «Трансросэфир».

**18-00-20.30**  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм премьераси. 21.20 «М-трест». 21.35 «Кузги сайловолди марафони». 21.45 Криминал хабарлар экрани. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Катта жанжал». 23.00 «Қисқа». Муסיқий томоша. 23.45 «Тўлиной».

**19 ЖУМА**

**УзТВ I**

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.30 Эстрада куйлари. 7.50 Мултифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 «Ал-Хоразмий ватандоши». Телефильм. 8.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм. 10.20 «Сулло». Телефильм. 10.30 Уқув кўрсатуви: Физика. 11.00 «Ҳамид Сулаймон». Телефильм. 11.30 Уқув кўрсатуви: Зоология. 12.00 «Урлднет» телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Аҳвол қандай, чемпион!». Озода Аҳмедова. 18.30 Рақслар гулдастаси. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Чорраҳа». 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртакли. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 «Учрашув». Узбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева. 22.10 «Сурнали навоси». 22.40 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.

**УзТВ II**

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Енгинда эҳтиёт бўлинг!». 19.50 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадий фильм. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 «042 қаерда». Бадий фильм.

**ОРБИТА IV**

5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилар. 9.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Оловидиннинг сехрли чирюги». Бадий фильм. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгилар. Театр шинавандалари, сизлар учун! 12.20 «Гамлет» мавзуда мулоҳазалар. Д. Шостакович муסיқасига яратилган фильм-балет. 15.00 Янгилар. 15.25 «Бридик». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Оловидиннинг сехрли чирюги». Бадий фильм. 17.40 «Музоғраф». 18.00 Янгилар. 18.20 «Россия сайловининг акс садои». 18.40 «Инсон ва қонун». 19.15 «03-вагон». 19.45 «Мўжинлар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 «Харфанинг машхур кишиси». 21.45 «Твин Пикс». Кўп сериали телевидениеси бадий фильм премьераси. 6-серия. 22.40 «Матбуот-экспресс». «ВИД» таништирати: 23.00 «Музобоз». 23.45 «Х» кўрсатуви. 00.45 «Политбюро». 01.25 «Авто-шоу». 01.55 «Обоз»

майдончаси. Танафус пайтида (24.00) — Янгилар.

**ДУБЛЬ IV**  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Кетдик». 9.10 «Кечки салон» саҳифаларида. 9.40 «Уз манзили». 11.10 «Ватаним менинг». 12.05 «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 12.55 Мульти-пулти. 13.05 «Дехқонларга тааллуқли масала». 13.30 «Трансросэфир». 14.00 Россия телевидениеси театри. 15.40 Жума кунлари Дисней. «Улиқлар кўрфазилик бола». Бадий фильм. 3-серия. 16.30 Болалар учун янгилар. 16.45 Мульти-пулти. 16.55 «Ҳайвонот оламида».

**18-00-19.30**  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадий фильм. 21.15 «Кузги сайловолди марафони». 21.25 Рақс марафони. «Бал рақслари». 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «К-2» таништирати: «САС». 23.25 «Танафус». В. Лестев куйлайди. 23.40 Тунги сеанс. «Бегоналар бу ерда юрмайди». Бадий фильм. 00.55 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия — Финляндия. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

**20 ШАНБА**

**УзТВ I**

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.30 Ер ва диёр тароналари. 7.50 Мултифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 «Чимён. Йил фасллари». Телефильм. 8.20 Мутахассис маслаҳати. 8.30 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм. 10.30 «Етти ширин болакай». 10.50 «Улмас мерос». Телефильм. 11.10 Хитой тили. 11.40 «Фахрийлар — фахримиз». 12.10 «Бастакор Мардон Насимов. Хор ва халқ қолғу оркестри учун ёзилган асарлар. 12.50 «Аёл қадрни». 18.00 Усмилар учун. «Уйла, изла, топ!». 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Хотира». Элбек таваллудининг 90 йиллигига. 20.15 Оқшом эртакли. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 Дам олиш концерти. 21.35 Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм. 22.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

**УзТВ II**

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сунги ташриф». Телевидениеси бадий фильм. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 21.00 «Театр оламида».

**ОРБИТА IV**



## ДАЛА ЙЎЛИ

— Эй, йўл,— дебди башанг кийинган, бугдойранг юзли, тўладан келган одам,— мунча эгри-бугрисан. Ҳарсиллаб терлаб-пишдим-ку? Равонроқ деб шоҳ кўчадан юрсам бўларкан.

Дала йўли ажабланди:

— Тўқлигинг нимадан?

— Она ердан.

— Тўқин уст-бошингчи?

Она ердан.

— Ҳа баракала!— дебди йўл йўловчига — тушунганинг ҳолда мени камситганинг нимаси?

— Кечир,— дебди йўловчи ҳам айбини билиб,— сал силлам қуриганидан жаҳлим чиқибди-да.

— Улмаган деҳқоннинг жони,— дебди шунда яна дала йўли. Керза этиги билан гурс-гурс босиб юз бор бағримдан ўтганида «гинг» деганини билмайман. Бир-бирига туташ пайкалларда тупроқни ийлаб, сийлаб ҳар йили ҳосил уяди у. Кут-барака қарвонларининг изларини ўйиб, олқишлаб қоламан. Деҳқонларнинг олийҳиммат йўл-ниятига ошно бўламан. Ҳақ гапни айт, мен бўлмаганимда сен мақтанган ўша равон, шоҳ кўчалар қаяқда эди?!



## ЧИРОЙ

Шалдираб оқаятган тиниқ сув экинзордан чиқиб, оқава билан баҳслашди:

— Сендан кўп йўл боссам ҳам чиройимни йўқотмадим. Сен бўлсанг...

— Узимдан кечиб, чиройимни йўқотсам ҳам, гўзаллик яратганим билан фахрланаман. Буни сендан ўзгага айтсам, мақтанмиш бўлар.

— Гўзаллигинг меникича эмас, барибир. Мендан сай-

## ШИФО ТОПДИМ

ШУ йилнинг май ойи ўрталарида ўзимни беҳол, мадорсиз, иштаҳасиз хис қила бошладим. Шифокорлар кўригидан ўтдим. Улар мени текшириб кўриб, илмий текшириш институтдаги онкология бўлимига юборишди. У ерда менинг йўғон ичагимда без борлигини ва уни операция қилиш кераклигини айтишди. Операция қилмаса без кўпайиб кетиши мумкин экан. Жуда кўп доридармонлар ҳамда етти марта нур билан даволашди. Лекин кундан-кун соғлигим ёмонлашиб борди. Бора-бора орадан вақт ўтган сари оғриқ кучайди.

Кунларнинг бирида укам Собиржон газеталардан бирида чиққан мақолани олиб келди. Унда ёзилишича 12 ёшли Шоҳсанамхон Одилжон қизидан бир нечта беморлар шифо топгани ёзилган эди. Мақолани ўқиб, менда шу қизчага нисбатан ихлос ўйғонди.

Марғилонга йўл олдик. Шоҳсанам мени кўргандан сўнг, ичимда қаттиқ шомоллаш ва йўғон ичагимда без борлигини айтди. Мени даволаш учун 10 кун ундан муолажа олишим керак экан. Сеансларни олиб бўлганимдан сўнг соғлигим тикланди ва олдинги давримдаги овқатланишим ўз ҳолига тушди. Қанчадан-қанча беморлар Шоҳсанамхондан шифо топаётганининг гувоҳи бўлдим. Ҳозирда болаларим билан соғ-саломат яшайман. Мен бу қизчадан бир умр миннатдорман.

Содиқжон УМАРОВ,  
Тошкент шаҳар, Собир  
Раҳимов тумани.



Бувижон, битта гапим бор, айтсам майлими?

А. Тўраев олган сурат-лавҳа



Бир маст уйим деб йўлаб, тунда симёғочни тақиллата бошлабди. Шу пайт миришаб унинг олдига келиб киноя билан дебди:

— Нима қиялпсиз? Кўр-малпсизми, уйда ҳеч ким йўқ-ку!

— Ҳеч ким бўлмаса, нега иккинчи қаватда чироқ ёниб

турибди?

— Жаноб профессор, нима учун ароқ ҳар доим ёшларнинг бошига, қарияларнинг оёғига таъсир қилади?

— Бу жуда оддий,— жавоб берибди профессор,— ароқ ҳар доим инсоннинг энг кучсиз жойини қидиради.

— Жуда кўп йўталайман, давоси борми?— сўрабди бемор доктордан.

— Йўтал келганда йўталманг, сабр қилинг, йўталсангиз йўталаврасиз-да.

— Доктор гўшт емагин деган-ку, сен бўлсанг манти еясан.

— Унда гўшт борлигини мен кўрмадим доктор қаёқда биллади.

— Бизнинг палатадаги касалларга нега бир хил дори бердингиз?

— Бир хил бўлгани яхшида, ҳадеб адашавермайман, сизлар эса касалсизлар.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ  
тўплаган.

## Насрий масаллар

ёралар ҳам ўрнак олади. Тунлари ой менда аксини кўриб, қувончидан кумуш тангалар сочади. Қуёш ҳам ўз жамолини юзим узра ёйиб, нурлари билан сийпайди.

— Тиниқлигимда улар ўз аксларини менда ҳам кўришган. Ишонмасанг ҳу, рақс тушаётган жўҳориларга боқ. Сут, қаймоқ булоғи ўша жўҳоризордан бошланади-ку? Уларнинг авжига сингиб кетганим — менинг тиниқлигим.

Баҳсда тиниқ сувнинг енгилганини кўриб турган деҳқон:

— Аввал оқавадек хизмат қил, сўнг, сайра, Беҳуда шалдираб, у ёқдан-бу ёққа жавлон уришдан фойда йўқ,— дея уни чаққон бедазорга тарай бошлади...



## ТАБИИЙ ВА ҚОҒОЗ ГУЛ

Гўзаллиги билан хонада ўзини танҳо ҳис қилган қоғоз-гул ёнига бир даста табиий гул қўйишди.

— Янги духобадек қип-қизил товланади-я,— дея писанда қилибди унга табиий гул.

Қоғоз гул унга жавобан.

— Вой, бояқши-ей, кунинг битяптими, дейман. Улмаган менинг жоним, қишни қишлаб, баҳорга ҳам етибманки,— дебди,— ҳамон сувсизман. Қаҳқаҳам эса бирдек. Одамларга қувонч улашишдан толмайман.

— Мақтанганинг учун шунга айттайки, оз яшасам ҳам ҳаёт нафаси уфурган ҳушбўй ҳидли, самимий кулгим билан ҳаёт безағи бўлаётганимдан бахтлиман. Яна қанча вақт сохта кулсанг ҳам бундай бахт сенга насиб қилмайди. Ахир, шунчаки менга тақлидона ясалган ҳидсиз туйғусиз гулсан-да,— Табиий гул, шундай дебди-ю, яна унинг бағрини эзганини сезиб раҳми келибди;— ке, қўй, ранжима. Сен бечорада нима айб. Сўзинг ҳам сунъийлигинга мос чиқди-да, шунинг учун тилимга келганини аямадим.

Фани АБДУЛЛАЕВ,  
боғбон.

## Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят муҳбири),  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

## БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

## ВИЛОЯТЛАРДАГИ

## МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ

- ТЕЛЕФОНЛАРИ:
- Андижонда — 5-32-24;
  - Бухорода — 3-50-10
  - Гулистонда — 2-10-02;
  - Жиззахда — 2-31-41;
  - Навойда — 3-52-99;
  - Наманганда — 6-22-10;
  - Нукусда — 4-19-97;
  - Самарқандда — 35-64-22;
  - Термизда — 2-70-07;
  - Тошкентда — 56-87-95;
  - Фарғона — 4-28-29
  - Урганч — 6-03-40
  - Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририят га келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 12 ноябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,

Тожибой АЛИМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63680 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

● Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

● нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-660

1 2 3 4 5 6